

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ


№ 52 (11.363)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ
2200
2009
ТОШКЕНТ



Қасқа сатрларда

● **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институтида ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган илҳомларнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган семинарда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари, сиёсий партиялар вакиллари ва фаол ёшлар иштирок этишди.

● **ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ** компаниясида алоқа соҳаси мутахассислари иштирокида уюштирилган тадбирда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида, хусусан энг чеҳра худудларида ҳам алоқа хизмати яшилди масалалари муҳокама қилинди.

● **РЕСПУБЛИКА** Фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институтида сил хасталигини даволашнинг замонавий усуллари бағишлаб ўтказилган анжуманда шифокорлар иштирок этишди.

● **ЎЗБЕКСТАН** тарихи Давлат музейида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб уюштирилган тадбир «Шарқ дарвозаси» деб номланди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги Тошкент банк коллежида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодий университетидан хотин-қизларнинг сиёсий партиялардаги фаоллигини ошириш мақсадида бағишлаб ўтказилган семинар вакиллари, фаол аёллар, талаба қизлар иштирокида семинар бўлиб ўтди.

● **ҲАМЗА** маиший хизмат қўрашчи касб-хунар коллежида **БУГУН** Ҳамза тумани маданият ва спорт ишлари бўлими, туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўқувчилар ўртасида уюштирилган викторина «Тошкент шаҳрининг тарихи биласизми?» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



“Барча-барча халқлар кўприк деганда, одамларнинг узогини яқин, мушкулни осон қиладиган, дилларни дилларга, элларни элларга боғлайдиган ҳаёт белгисини тасаввур қилади”.

Ислоҳ КАРИМОВ

ТОШКЕНТ КЎПРИКЛАРИ

Йўл, кўприк қуришнинг савоби беназирдир. Тарихий манбаларда Амир Темури, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари улғу боболаримизнинг бунёдкорлик ишлари ҳақида кўп ва хўб ёзилган.

Қадимда кўприклар асосан ёғочдан қурилган. Шу боис ХХ асргача қурилган кўприклар деярли сақланмаган. Тошкент шаҳрида капитал кўприк қурилиши 1865 йилдан бошланган. Биринчи кўприк Шайхонтоҳур кўчаси, ҳозирги Навоий проспектида Анҳор устига ёғочдан қурилган ўрда кўприги бўлиб, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини Янги шаҳар билан боғлаган. Кўприк бир неча марта таъмирланган. 1913 йилда эса ғишдан қайта ишланган ва у ҳозиргача хизмат қилмоқда.

Кўприк қурган кам бўлмас, равон йўлда ҳам бўлмас, дейди халқимиз. Бу нақлнинг нақадар ҳаётийлигига бугун ўзимиз гувоҳимиз.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йиллардан бошлаб давлатимиз раҳбари коммуникация тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратди. Бугун магистраль йўллар қуриш, халқаро бозорга олиб чиқувчи транспорт тизимини йўлга қўйиш, йўл хўжалигида замонавий техника ва технологияларни жорий этишдек муҳим вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ўзининг барча техник кўрсаткичлари билан МДХ давлатлари орасида етакчи ўринда туришни алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Йўл борган жойга тараққиёт боради, йўл ўтган жойда ҳаёт гуркирайди. Шаҳар ва қишлоқларимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги коммуникация тизимида амалга оширилаётган ислохотлар билан ҳамбарчас боғлиқ, десак хато бўлмайди.

Ўртимизда янгидан қурилган ва реконструкция қилинган йўлларнинг умумий ҳажми 3 минг 200 километрни ташкил этади. Автомобиль йўллари тармоғининг умумий узунлиги 183 минг километрдан зиёд. Унинг 42 минг 530 километри умумий фойдаланиладиган йўллардир. Ҳар йили 150 километрдан зиёд янги йўллар қуришда эки реконструкция қилинмоқда. Ҳозиргача 500 га яқин кўприк барпо этилди. Бундай улкан бунёдкорлик негизда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-ҳотиржамлик, ҳамжихатлик, халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти ва эртанги кунга бўлган юксак ишончи мужас-

самдир.

Техник жиҳатдан халқаро талабларга мос бундай йўл ва йўл ўтказгичлар, маҳобатли транспорт боғламаларининг кўпайиб бораётгани ҳайдовчи ва йўловчиларга қатор қулайликлар яратмоқда. Айниқса, пойтахтимизнинг тирбанд чорраҳаларида бунёд этилган йўл кўприклар аҳолининг узогини яқин, оғирини енгил, вақт ва маблағини тежаш баробарида ҳаракат хавфсизлигини таъминламоқда. Маълумотларга қараганда, пойтахт коммуникация тизимида амалга оширилган ислохотлар туфайли транспорт воситаларидан чиқаётган захарли газлар миқдори 1990 йилга нисбатан 25 фоизга камайган. Ваҳоланки, Тошкент кўчаларида 1990 йилга нисбатан бир неча баравар кўп транспорт воситаси ҳаракатланмоқда.

Истиқлол йилларида жадал ривожланган йўл соҳаси маданияти, таъбир жоиз бўлса, санъати Тошкент шаҳрида бунёд этилган Катта ва Кичик халқа йўллари мисолида яққол намоён бўлади.

(Давоми 2-бетда).

Тошкентим — боғу бўстони

Умумхалқ хашари

УЮШҚОҚЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН ЎТДИ

ЎЛКАМИЗДА ЯШАРИШ, ЯШНАТИШ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ФАСЛИ БЎЛМИШ ГЎЗАЛ БАҲОР КЕЗМОҚДА. БАҲОР ЎЗИНИНГ НАФОСАТИ, КЎРКАМЛИГИ БИЛАН ҚАЛБЛАРИМИЗГА ҲУЗУР БАҲШ ЭТМОҚДА, МУДРОҚ КЎНГИЛЛАРНИ УЙҒОТИБ ДАЛА-БОҒЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА. ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЮРТ ОБОДЛИГИ КЎНГИЛ ОБОДЛИГДАН БОШЛАНАДИ, ДЕГАН СЎЗЛАРИ ЮРТИМИЗНИНГ ОЗОДАЛИГИ ВА ПОКИЗАЛИГИГА НИСБАТАН АЙТИЛГАНЛИГИ БЕЖИС ЭМАС.

Маълумки, ҳар йили боқий байрамимиз Наврўз арафасида мамлакатимизда ташкил этиладиган ободонлаштириш, кўккаламзорлаштириш ойлигида умумхалқ хашари ўтказиш анъанага айланган. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб ном олган жорий йилимизда ҳам асосий эътибор юрт

ободлиги, халқ фаровонлиги, тинчлик-осойишталигига қаратилишидан барчамизнинг қалбимиз ифтихорга тўлмоқда.

Наврўз аёйми арафасида 14-15 март кунлари ҳар йилги анъанага кўра ўтказилган умумхалқ хашарида ҳам шаҳримиз маҳаллалари аҳолиси, хусусий уй-

жой мулкдорлари ширкатлари, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари, бир сўз билан айтганда кексаю ёш уюшқоқлик билан иштирок этдилар. Ҳар бир гўшада ободонлаштириш, ортасталаш, кўчат ўтказиш ишлари авж олди.

(Давоми 2-бетда).



БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ, МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 25-26 МАРТ КУНЛАРИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИЛИ ЎЗБЕКISTОН МИЛЛИЙ БОҒИДА ШАҲРИМИЗДАГИ БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ ЎТҚАЗИЛАДИ.

Ярмаркада шаҳримизда фаолият қўраётган 870 та корхона-ташкилотларнинг 12 мингга яқин умумий бўш иш жойлари таклиф қилинади. Биргина ободонлаштириш тизими ташкилотларида 2800 та иш ўринлари мавжуд.

- шифокорлик ва ҳамширалик иши-490 та;
- муҳандис-400 та;
- электромонтажчи-270 та;
- тикувчи-бичувчи-200 та;
- ўқитувчи-педагог-120 та;
- қурувчилар-115 та;
- чилангар, электргавайвандчи-110 та;
- йигирувчи-100 та;
- механик-70 та;
- ҳисобчи-65 та;

Сизларни 2009 йил 25-26 март кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача ўтказиладиган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасига таклиф қиламиз.

ТАШКИЛИЙ КЎМИТА

ЖАҲОНДА

● Австриянинг Вена шаҳрида нефть экспорт қилувчи мамлакатларнинг ОПЕК ташкилоти саммитида ташкилот аъзолари бўлган мамлакатлар жорий йил май ойининг охиригача нефть қазиб чиқариш квотасини оширмасликка қарор қилдилар. Яъни ОПЕКка аъзо мамлакатлар томонидан бир кеча-кундузда 24 миллион 800 минг баррел нефть қазиб чиқариш қувватига ойнагача ўз кучида туради.

● Кеча АКШнинг Канаверал бўғозидан мамлакатнинг «Дискавери» космик кемаси коинотга муваффақиятли парвоз қилди. Космик кеманинг 7 кишилик экипаж аъзоларининг 13 кун давомида коинотда бўлиб, Халқаро космик станцияга қуёш батареяларини етказиб бериши режаланган.

● Покистоннинг турли йирик шаҳарларида кейинги кунларда бўлиб ўтган норозилик намойишларида сўнг кеча мамлакат ҳукумати олий судья И.Чоудхрини ўз вазифасига тиклашга қарор қилди.

● Вьетнамнинг жанубий қисмида россиялик сайёҳлар кетаётган автобуснинг 200 метрлик жарга қулаши натижасида 20 дан ортиқ сайёҳ оғир жароҳатлар олди. Шу муносабат билан бугун Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг самолётли керакли мутахассислар билан бирга Вьетнамга учиб келди.

● Кеча Жазоирда футбол фанатлари ўртасида чиққан жанжал оқибатида уч киши ҳаётдан қўз юмди, 30 дан ортиқ ашаддий мухлис турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Кеча Германиядан Россияга тезорар замонавий поезд келтирилди. 600 кишини сиғдириши мумкин бўлган ушбу поезд Москва — Санкт-Петербург йўналиши бўйлаб қатнайди ва йўловчиларни уч соат 15 дақиқа давомида манзилига элтиб қўяди. Тез орада яна шундай 12 та тезорар поезд Москвага келтирилади.

● Австралиянинг шимолий қирғоқларида юк кемасига ортилган 31 та контейнердаги нитрат аммоний (селитра) кимёвий моддаси гойиб бўлди. Кемага жами 60 та контейнерда кимёвий модда юкланганди. Маҳаллий ҳукумат вакиллари ва мутахассислар ушбу моддаларнинг денгизга тўкилиб кетган бўлишидан хавотирда. Зеро, бу сув ости оламига жиддий хавф солиши мумкин. Йўқолган контейнерларни излаш учун ҳаво кучлари жалб этилган.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Умумий узунлиги 67 километри ташкил этадиган Катта ҳалқа йўли транзит юкларнинг Тошкент шаҳрини четлаб ўтишини таъминлаш, шаҳар ичидаги транспорт қатнови хавфсизлиги ва экологини яхшилаш мақсадларига хизмат қилади. Бу йўл учта халқаро аҳамиятга, еттига умумдавллат, ўн та маҳаллий йўллар ва кўплаб шаҳар кўчаларини туташтиради. Катта ҳалқа йўли умумий узунлиги 3 минг 372 метр бўлган 22 кўприк ва йўлўтказгичлар барпо этилган мураккаб муҳандислик иншооти ҳисобланади. Бу йўл орқали бир кунда 50 мингга яқин автомобиль ҳаракатланади.

2000 йилда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Аҳмад Донич кўчасида Тошкент шаҳрига ўзгача қўқ бағишлаган дастлабки замонавий кўприк бунёд этилди. Умумий узунлиги 1151 метр бўлган ушбу иншоот шаҳарнинг уч туманини ўзаро боғлади.

Кўприк билан танишув чоғида Президентимиз Ислам Каримов Тошкентнинг мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги ўрни, маънавий аҳамияти ҳақида тўхталиб, пойтахтда Кичик ҳалқа йўлини қуриш гоёсини илгаридан сурди. 2001 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Кичик ҳалқа йўлини бунёд этиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди.

Уша йили Кичик ҳалқа йўлининг дастлабки босқичи фойдаланишга топширилди — эни 32 метрлик замонавий йўл бунёд этилди. Йўлсозлар қисқа вақтда 7,5 километр масофадаги қурилиш ишларини алооҳида ҳар бир кўприк, магистралнинг энг муҳим қисми — учта кўприкни барпо этиди. Мустақиллик шохқучаси ва Паркент кўчаси туташган чорраҳа ёнида қад ростлаган бу иншоотлар Кичик ҳалқа йўлининг давомийлигини таъминлади.

Транспорт қатновини янада такомиллаштириш мақсадида барпо этилган Кичик ҳалқа йўлининг пойтахтимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти бекинди. Кейинги йилларда кундан-кун чирой очиб бораётган Тошкент кўчаларида автомобиллар сони кескин кўпаймоқда. Бу йўлсозликда ўзига хос муаммоларни келтириб чиқарди. Париж, Москва, Қоҳира, Тейхрон син-

гари йирик шаҳарлар йўлларида кузатиладиган доимий тирбандликлар Тошкент кўчаларига ҳам таҳдид сола бошлади. Шу боис шаҳарни 2015 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бош режасига биринчи навбатда Тошкент Кичик автомобиль ҳалқа йўлини қуриб битказиш масаласи киритилди.

Лойиҳада ушбу магистраль жами тўққиз кўприк ва бир қанча туннель орқали ўтиши,

вбатдаги кўприк қад ростлади. 2004 йили эса Амир Темури шохқучаси билан Кичик ҳалқа йўли кесишган чорраҳада янги кўприк фойдаланишга топширилди.

Узунлиги 283, эни 28 метрлик бу иншоот автомобиль қатнови тигизлигини ва сарф-харажатларини кескин камайтирди. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар икки йўналишда учтадан йўл ва йўлақларга эга ушбу замонавий кўприк бир кеча-кундузда 30 минг-

Бетакорр диёримизнинг кўрку тароватини ўзида намоён этган бош шаҳримизнинг шухуҳига шухуҳ қўшаётган кенг ва равоён йўллар, кўприк ва транспорт боғламалари барчанинг эътиборини ўзига тортади.

2005 йили Катта ҳалқа йўлида — Сергели тумани ҳудудидagi чорраҳада улкан йўл ўтказгич бунёд этилди. Шу тариқа Усмон Носир кўчаси Сергели, Қўйлик ва Чилонзор буюм бозорига борадиган кўчалар билан кесишган йирик чорраҳада қурилган йўлўтказгич ва Эркин кўргони ҳудудидан ўтадиган умумий узунлиги олти километрлик янги йўл Тошкент Катта автомобиль ҳалқа йўлини боғлади.

Шу пайтгача мамлакатимизнинг Шимол-ий ва Жанубий вилоятларидан келаётган транспорт оқимининг бир қисми Фаргона водийси вилоятларига пойтахтимизнинг Бунёдкор шохқучаси орқали ўтган бўлса, эндиликда бундай ортиқча ташвишга чек қўйилди. Янги йўл "Олмаота — Бишкек — Тошкент — Термиз", "Тошкент — Ўш" халқаро автомобиль йўлларини бир-бирига боғлади.

Чилонзор метроси устидаги тирбанд чорраҳа, танга ташласа ерга тушмайдиган тартибсиз бекатга қараб мўлжал олиб юрганлар энди бу ерга келиб хайратга тушишлари табиий. Чилонзор туманидаги Кичик ҳалқа йўлининг Бунёдкор шохқучаси билан кесишадиган чорраҳасида — ўша тирбанд чорраҳада ишга туширилган баландлиги 7,5 метрлик улкан кўприк ва унинг атрофида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари ҳудуд қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди.

Узунлиги 347, эни 30 метр бўлган мазкур йирик иншоот гоёт қисқа вақт — икки ойи йирига қандай битказилди.

"Қудратимизга шубҳа қилганлар биз қурдирган иморатларга боқсин", — деган эди Соҳибқирон бобомиз. Юртимизда бунёд этилган ҳар бир иншоотга халқимизнинг руҳий қуввати, маънавий салоҳияти, юксак таваққури сингдирилган. Шу боис ҳам улар арслар оша барчани хайратлантириб келаверади.

Воҳид ЛУҚМОН,
ЎЗА шарҳловчиси

ТОШКЕНТ КЎПРИКЛАРИ



пойтахтимизнинг Яққасари, Ҳамза, Миробод, Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов, Учтепа туманларини бир-бирига боғлаши лозим.

2002 йилда Жанубий вокзал рўпарасида яна бир кўприк бунёд этилди. Кичик ҳалқа йўлининг узвий бир қисми ҳисобланган мазкур кўприкни истиклол йилларида қатта тажриба тўплаган кўприксозларимиз қисқа фурсатда қуриб битказди.


Янги кўприк ва унга туташ йўлларнинг узунлиги 6,6 километр бўлиб, у ишга тушган, анчагина тартибсиз ва серқатнов ҳисобланган мазкур чорраҳада қатнов тезлиги ва тартиби тубдан яхшиланди.

2003 йилда Кичик ҳалқа йўли ва Манон Уйғур кўчалари кесишган жойда на-

тагача транспорт воситасининг узогини яқин қилади.

Тошкент транспорт-коммуникация тизимига унга яқин туннель, ўттизта йўл ўтказгич, ўттиз тўртта ер ости йўли, элликтика пиледалар ва тўқсонга автомобиль кўприги мавжуд. Кичик ҳалқа йўли — транспорт қатновини яхшилаш мақсадида барпо этилган ана шундай замонавий иншоотлардан саналади. Сўнгги йилларда фойдаланишга топширилган замонавий кўприкларнинг аксарияти мана шу — Кичик ҳалқа йўлида бунёд этилган билан аҳамиятлидир. Айни пайтда умумий узунлиги 32 километр, кенглиги 32 метрни ташкил этадиган мазкур йўлда бир кунда 45 — 50 минг автомобиль ҳаракатланамоқда.

УЮШҚОҚЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БИДАН ЎТДИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

— Наврўз айёми ҳамда пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан ўтказилган бу йилги умумхалқ хашари ҳар доимига нисбатан ўзгача кўтаринки рўхта ўтди, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлими раиси ўринбосари Хайдарали Қораболаев. — Халқимизга хос баргиреклик, ўзаро ҳамжихатлик, меҳр-оқибат, савобат каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш мақсадида маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, шаҳардаги санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш мақсадида ўтказилган икки кунлик хашарда 1 миллион 43 миңдан зиёд аҳоли иштирок этиб, шулардан 712,6 миң нафарини ёшлар ташкил этди. Хашар кунлари умумий 914,9 гектар майдон ободонлаштирилиб, 2568,2 тонна маший чикиндилар шаҳар ташқарисига чиқариб ташланди. Шунингдек, 783 километр ариқ ва зовурлар тозаланди, 69 та қабристонлар орасталаниб, тартибга келтирилди. Ҳаммиша қўчат экиб, боғ яратишга иштирокчилар бўлган халқимиз бу йилги хашарда 68 миң 263 туп манзарали ҳамда 86543 туп мевали дарахтлар ўтказиб, шаҳримизни бундан қўчалар, боғу бўстонга айлантиришга муносиб хисса қўшдилар. Шу билан бирга 15 миңгача тўп дарахти, 243 миң 392 та турли хил анвоий гул қўчатлари ўтказилди, 230052 та дарахтлар оқланиб, уларга шакл берилди. Хашар кунларида бажарилган ишлар учун жами 112 та техника жалб қилинди. Эҳтижманд оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронларнинг 4,2 миң квадрат метр уй-жойлари хашар йўли билан таъмирлаб берилди. 408 та кам таъминланган оилаларга 26,3 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ибратли, эзгу ишларни давом эттирувчи фарзандларимиз кексалардан ибрат олиб, хайри ишларга қўл уриб юришсин. — Кундан-кунга чирой очиб бораётган шаҳримизнинг янада обод ва овоз бўлиши, ҳусну таровати ошишида мана шундай умумхалқ хашарларнинг аҳамияти каттадир, — дейди Тошкент Автомобил ва йўллар институти Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Шерали Раҳимқулов. — Умумхалқ хашари кунлари институтимизнинг профессор ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлари кўтаринки рўхта иштирок этиб, институт атроф-ҳудудлари, 5-талабалар турар жойи, институтга бириктирилган Амир Темури шохқучаси, Ўзбекистон Давлат санъат музейи, 110-мактаб, Ломоносов номидаги МДУ филиали атрофлари ҳамда 30-Мехрибонлик уйда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширдилар. Хашар давомида белгиланган ҳудудлардаги ариқ ва зовурлар тозаланиб, 8 тоннадан ортиқ маший чикиндилар чиқариб ташланди. 300 дан ортиқ дарахтлар оқланиб, шакл берилди. Булардан ташқари институт ҳудудига 50 дона арча, 10 дона мевали, 10 дона манзарали дарахт қўчатлари, 3000 туп турли хил гул қўчатлари ўтказилди. Шуниси қувонарликки, талаба-ёшларимиз шаҳримизнинг янада гўзал ва кўркам бўлишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётганларидан завққа тўлиб, хашар давомида жонбозлик кўрсатдилар.

Шайхонтоҳур туманидаги «Шайхонтоҳур» маҳалласида 10 миңдан ортиқ аҳоли аҳил ва баҳамжихатликда истиқомат қилади. Бу йилги хашар кунлари ҳам маҳалла аҳли яқин-атрофдаги қорхона-ташкilotлар ходимлари иштирокида 412-мактабгача таълим муассасаси, 115-мактаб атрофлари ободонлаштирилди, дарахтлар оқланди, «Турон» меҳмонхонаси, 1,2,3,4-қўчкаватли уйлар атрофлари орасталанди, А.Қодирий кўчасига кириш йўли асфальт қилинди. Маҳалладаги кам таъминланган оилаларнинг коммунал тўловларига моддий ёрдам кўрсатилди. Бундай хайри ва эзгу ишлардан маҳалла аҳли хурсанд бўлди.

Умри боқий Наврўз айёми олдидан шаҳримизни янада мафтункор, кўкаламзор гўшага айлантириш мақсадида ўтказилган умумхалқ хашари кунлари Юнусобод туманидаги Тошкент Радиотехника коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам жонбозлик кўрсатиб, фаол қатнашди. Қариб 812 нафар талаба ва 47 ўқитувчилар хашар кунлари коллеж атрофида манзарали дарахт ва анвоий гул қўчатлари, арчалар ўтказишди. Ободонлаштириш, орасталаш ишларини амалга оширишди. Юнусобод туманидаги «Ақбаробод» маҳалласига хашар уюштириб, бир қанча турар жойлар атрофини чикиндилардан тозалаб, тар-

тибга келтиришди.

Умумхалқ хашари кунлари барча соҳалар қатори тиббиёт ходимлари ҳам шаҳримизни янада овоз ва сўлим гўшага айлантириш мақсадида ўзларининг муносиб улушларини қўшишга киришдилар.

— Тозалик — саломатлик гаровидир, дейдилар. Албатта бу ақидага тиббиёт ходимлари катта эътибор қаратадилар. Зеро шаҳримизни овозда сақлаш, кўкаламзор маънавияти айлантириш, турар жойларимизни чикиндилардан тозалаш саломатлигимиз учун ниҳоятда муҳимдир, — дейди Тошкент Тиббиёт академияси 1-клиникаси бош шифокори Шўҳрат Дадажонов. — Ҳар йили шифохонамиз тиббиёт ходимлари, ишчи-хизматчилари умумхалқ хашарида фаол иштирок этишади. Бу йил ҳам хашар кунларида 1000 дан зиёд тиббиёт ходимлари қатнашди, 4 миңдан ортиқ дарахтлар оқланиб, шакл берилди, 500 дона арча, 1000 туп терак ўтказилди. Ҳудудимиз ва унинг атрофлари, Катта Ҳалқа йўли кўчаси тозаланиб, ободонлаштирилди ва маший чикиндилар олиб чиқиб ташланди. Албатта бу ишларда тиббиёт ходимлари ўзларининг ғайрат-шижоатлари, шаҳримизга бўлган меҳр-муҳаббатларини намоён этишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, умумхалқ хайрия хашаридадиган тушган маблағлар аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламига, шу жумладан кам таъминланган, ёш оилаларга, ёлғиз кексалар ва ногиронларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга сарфланади. Жумладан, «Оқшом» газетлари жамоаси ҳам узининг бир кунлик иш ҳақини ана шундай хайрилик мақсадларда «Маҳалла» жамғармасининг хашар бўлими ҳисобига ўтказди.

Ҳа, хашар элга ярашар, десак адашмаймиш. Шу азиз, овоз ва обод Ватан барчамизники, шу юрда улғайиб, камол топар эканмиш, нафақат хашар кунлари, ҳар биримиз хамиша ўз уйимизни, ўз маҳалламизни, ўзимизнинг қадрдон кўчамизни асраб-авайлашимиз, овозда сақлашимиз, бир туп бўлса ҳам қўчат экиб, боғ яратишимиз зарур. Ана шунда биз ўзимизнинг туғилиб ўсган жонажон Ватанимизга, маҳалламизга, халқимизга, ота-онамизга бўлган меҳримизни, садоқатимизни намоён этган бўлишимиз, Кишлоқ тарққиёти ва фаровонлиги йилда она юртимиз янада овозда ва фаровон бўлисин. Жонажон пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи ҳамда ҳаммамиз учун қадри бўлган Наврўз айёминининг барчамиз ўзимизнинг хайри ва эзгу ишларимиз билан муносиб кутиб олайлик.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: шаҳримизнинг турли гўшаларида ўтказилган умумхалқ хашаридан лавҳалар.

Ҳажимжон Солиқов
олган суратлар

МУТАХАССИСЛАР ТАЪКИДЛАШИЧА, ИЛГАРИ ДУНЁ ИҚИСИДА МИОКАРД ИНФАРКТИ КАСАЛЛИГИГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРИНИНГ 30 ФОИЗИ ҲАЁТДАН КЎЗ ЮМАР ЭДИ. ИНТЕРВЕНЦИОН КАРДИОЛОГИЯ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ИНСОН ҲАЁТИГА ЖИДДИЙ ТАҲДИД СОЛАДИГАН АНА ШУНДАЙ ОҒИР ХАСТАЛИККА ТЕЗ ВА АНИҚ ТАШХИС ҚЎЙИШ, БЕМОРЛАР ҲАЁТИНИ АСРАШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛАЁТИР.

Фармон ва ижро

ТИББИЁТ РИВОЖИ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Жаҳон тиббиётида қўлланилаётган бундай илғор тиббий технологиялар мамлакатимиз шифокорлари томонидан ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Коронар артерияларни ангиопластикаси ва стентлаш амалиёти ана шундай ноёб даволаш услубларидан биридир. Бу операцияни бажаришда беморнинг вужуди кесилмайди, юракнинг ёпилиб қолган қон томири қўл ёки оёк томири орқали очилади. Бу технология талай афзалликларга эга. Яъни, операция вақти бир неча баробарга қисқаради, бемор вужудига ҳеч қандай асорат қолмайди ва у тезда оёққа туради.

Республика шошилчин тиббий ёрдам илмий маркази ва Республика иختисослаштирилган жаррохлик марказида тараққий этган хоржий мамлакатлардан олиб келинган ангиография аппарати ёрдамида бундай дард билан хасталанган беморларга замонавий усулда самарали тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг соғлиғини сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишларига оид фармони бу борадаги ишларни янада юксак босқичга қўтариш, жаҳон тиббиётининг илғор технологияларини мукаммал ўзлаштириш, халқимизга қўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишда муҳим омил бўлаётир. Бу борадаги вазифаларни ҳаётга таътиб этишда хоржидagi нуфузли илм-фан муассасалари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик яхши натижа бераётир.

Республика шошилчин тиббий ёрдам илмий маркази иш бошлаган илмий-амалий анжуман интервенцион кардиологиянинг долзарб масалаларига бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва зирлиги «Medical Teams International» халқаро ташкilotининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирдан мақсад кардиожаррохлик соҳасида халқимизга қўрсатилаётган тиббий ёрдам қўламини янада кенгайтириш, даволашнинг илғор усуллари ва технологияларини чуқур ўзлаштириш ва мутахассисларнинг малака ва маҳоратини янада оширишдан иборат.

Кардиолог, кардиожаррох, рениматолог ва шошилчин тиббий ёрдам тизими шифокорлари, ёш тадқиқотчилар, магистрлар ва талабалар иштирок этаётган ушбу тадбирда АКШ кардиологлари уюшмаси аъзоси, доктор Томас Элдернинг кардиология соҳасида профилактика, диагностика ва даволаш ишлари самарасига бағишланган маърузаси тингланди.

— Юртимизда тиббиёт илми катта салоҳиятга эга эканига гувоҳ бўлдим, — деди Т.Элдер. — Аҳолининг барча қатлами бирдек фойдалана оладиган тиббий хизмат давлат томонидан кафолатлангани мени қувонтирди. Бундай имконият дунёнинг қўп мамлакатларида мавжуд эмас. Бундай анжуманлар тиббиёт соҳасидаги янгиликлар юзасидан тажриба алмашиш, соғлиқни сақлаш тизимидagi ўзига хос янадаларни кенг тарғиб этиш, илм-фан фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбир доирасида Республика иختисослаштирилган жаррохлик маркази ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтида илмий семинарлар ташкил этилади. Юрак хасталикларини даволашнинг замонавий усуллари, профилактика ва диагностика ишларини янада такомиллаштириш борасидаги долзарб вазифалар, даволашнинг янги услублари ва воситаларидан фойдаланиш самараларига оид маърузалар тингланади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

Иқтисодиёт

СИФАТГА ЭЪТИБОР

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА СИФАТГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ, ТАЙЁРЛАНАётган МАХСУЛОТНИНГ ХАРИДОР ТАЛАБИ АСОСИДАГИ ТУРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ УНИНГ БОЗОРДА ЎРИН ТОПИШИДА, БУЮРТМАЧИЛАР САФИ ОРТИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСЕ ЭТАДИ.

Мамлакатимизда ўзига хос нуфузга эга бўлган ва ўзининг хилма-хил жилвадор биллур маҳсулотлари билан харидорларни мамнун этаётган пойтахтимиздаги «ONIKS» акциядорлик жамиятида ҳам изланишлар давом этмоқда. Бундай изланишларнинг самараси эса буюртмачилар сафи ортишида, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми юксалиб, сифати юқори бўлишида ёрқин намоён бўлмоқда.

Кейинги йилларда қорхона цехларини модернизация қилиш ишлари босқичма-босқич олиб боришмоқда, янги иситиш печлари ҳам ишга туширилди. Буларнинг барчаси талабар даражасидаги, ҳам ички, ҳам ташқи бозорда харидорини топаётган биллур буюмларини замонавий технологиялар асосида тайёрлашда қўл келмоқда.

Бугунги кунга келиб қорхонада миңг хилдан зиёд маҳсулот турлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу борада изланувчан дизайнер-рассомларнинг маҳоратини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳар йили маҳсулотларнинг 40 — 50 хил турлари ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Шу ўринда айтиш лозимки, қорхона маҳсулотларига фақат ички бозордагина эмас, балки ташқи бозорда ҳам талабдорлар сафи ортмоқда. Ўтган йилда маҳсулот экспорти ҳажми 2007 йилдагига нисбатан 27 фоизга ортди. Айниқса, бозорни ўрганиш асосида тайёрланган биллур идишлар, турли хил қандил ва бралар, гулдон ҳамда бошқа ранго-ранг маҳсулотлар барчага манзур бўлмоқда.

Жорий йилда ҳам тадбиркорлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни, экспортни кўпайтиришни режалаштирилган ҳолда фаолият юритишмоқда. Харидор талаб ва тақлифларини инобатга олган ҳолда 80 га яқин янги турдаги биллур маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Цехлардаги модернизация ишлари давом эттирилиб, қўшимча ишчи ўринларни очишга ҳам эришилади.

Бунёдкорликда қўл келмоқда

ҚАД РОСТЛАётган БИНОЛАР КЎРКИНИ ТАЪМИНЛАШДА, АЛБАТТА СИФАТЛИ ПАРДОЗЛАШ АШЕЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС АҲАМИЯТИ БОР.

Пойтахтимиздаги бир қанча йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Aludond Rosion building technology» шўба қорхонасида тайёрланаётган халқаро стандартларга жавоб берувчи алюмин-композит панеллари биноларнинг ички ва ташқи қисмини пардозлашда қўл келмоқда. Эътиборли томони эса 50 фоиздан кўпроқ маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланган ҳолда тайёрланаётган ушбу маҳсулотлар кўриниши, сифати билан импорт ўрнини босади.

Айтиш жоизки, қорхона маҳсулотларига талабнинг кўпайиши ишлаб чиқариш ҳажми ортишида катта аҳамият касб этмоқда. Буюртмага кўра эса маҳсулот турли ранг, ҳажмда тайёрлаб берилади. Германия технологияси асосида тайёрланаётган ушбу маҳсулотлар буюртма асосида Эрон, Афғонистон, Россия, Украина ва бошқа қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинади. Қорхонанинг Россия ҳамда Қозоғистонда Савдо уйлари очилган бўлиб, бу ташқи бозорни ўрганишда, маркетинг ишлари ривожига муҳим аҳамият касб этади. Қорхонада тайёрланаётган безак панеллари мустаҳкам ва ўрнатилганга қўлай бўлиб, кафолат муддатлари ҳам мавжуд.

Кейинги йилларда қорхона цехларини янада замонавий технология линиялар билан жиҳозлашга эътибор қаратилгани боис ҳам маҳсулот турлари янада кўпайиб бормоқда. Мармар ва гранит кукунидан фойдаланган ҳолда тайёрланган безак панеллари ана шулар жумласидандир.

Тадбиркорлар имкониятларини ишга солган ҳолда изланиб, бозор талаблари асосида иш юритиб ҳар бир буюртмани вақтида удалашмоқда. Мазкур маҳсулотлар бугунги кун талаблари даражасидаги кўркам ва замонавий иншоотлар барпо этишда бунёдкорларга қўл келмоқда. Келгусида эса ишлаб чиқариш ҳажмини орттириш, экспортни ошатириш, маҳаллийлаштириш дастурига муносиб хисса қўшиб рақобатбардор безак панеллари турларини кўпайтириш кўзда тутилган. Шунингдек, қўшимча ишчи ўринлар очилиб, ўнлаб ёшларни иш билан таъминлаш режаси ҳам бор.

Маҳаллий чармдан тайёрланмоқда

Қўлай, бежирим ва албатта, мустаҳкам ПОЙАБЗАЛЛАР ҲАР ҚАНДАЙ ХАРИДОРГА МАЪҚУЛ КЕЛАДИ. АЙНИҚСА МАЗКУР ОЕЎ ҚИЙИМЛАРНИ БУГУНГИ ЗАМОН ТАЛАБИ АСОСИДА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАГАН ҲОЛДА ТАЙЁРЛАНСА БОЗОРИНИНГ ЯНАДА ОРТАДИ.

Хусусий тадбиркорлар Эдуард Седих ана шуларни инобатга олган ҳолда ўтган йилда иш бошлаган эди. Эраклар ва аёллар учун турли моделдаги оёқ қийимларни тайёрлашга киришган хусусий тадбиркорнинг ишлари бугунги кунда яхши самара бермоқда.

— Бунинг асосий боиси аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда бозорни тинмай ўрганиб, сифатли ва рақобатбардор пойабзалларни харидорларга тортиқ этаётганимиздир, — дейди тадбиркор Эдуард Седих. — Кичик чехимиз Туркиянинг технологик линиялари билан жиҳозланган бўлиб, улар сифатли пойабзаллар тайёрлашда бизга қўл келмоқда. Чехимизда 10 нафар малакали пойабзалчи устида меҳнат қилади. Асосан маҳаллий ва Россия, Италия хом ашёсидан фойдаланиб маҳсулот тайёрлаймиз. Ҳозирда 50 — 60 хилдаги пойабзаллар моделларини яратиб, кўпларини ишлаб чиқаришга жорий этдик. Айни пайтда эса маҳсулотнинг янги турлари устида хоржий каталоглардан самарали фойдаланган ҳолда изланилмоқда.

Ишлаб чиқаришини ривожлантириш истиғида бўлган хусусий тадбиркор фирма дўкони остига таъриқдуда. Шунингдек, келгусида Россия давлатига пойабзаллар сотишни режалаб қўйган.

Нозима АКРОМОВА

Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАЪСИС ЭТИЛГАН ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ ЁШ ИСТЕЪДОД СОҲИБАЛАРИНИ АНИҚЛАШ, УЛАРНИ ҲАР ЖИҲАТДАН ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАШ, ЯНГИДАН-ЯНГИ ИЖОДИЙ МАРРАЛАР САРИ ЧОРЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ БўЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ ТАЛАБАСИ ЗУМРАД ТАЪЗЕТДИНОВА АНА ШУНДАЙ ЁШЛАРДАН БИРИ.

Зумраднинг спортга бўлган меҳрини ота-онаси эрта пайқайди. Инсоннинг руҳий-маънавий камолоти, тафаккурининг ривожланишида жисмоний тарбиянинг ўрни ва аҳамияти катта эканини яхши тушунган шифокор Ҳабибулло ака ва ички ишлар тизимида меҳнат қилувчи Резеда опа қизларининг спорт билан шугулланиши учун барча шароитни яратиб бердилар.

Зумрад пойтахтимиздаги 226-мактабга борганида нафақат спорт соҳасидаги қобилияти, балки фанларни пухта ўзлаштириши, билимга чанқоқлиги, тиришқоқлиги билан ҳам ўқитувчилар эътиборига тушди. Ёш қиз ўқиб турган бирга мактабда ташкил этилган расм, чеварлик каби тўғаракларда фаол қатнашди. У спортнинг каратэ, ушу каби турлари билан мунтазам шугулланишга киришди.

— Шарқ яққакурати турларидан бўлган каратэ одамда ирода, катъият, масъулиятни ҳис этиш, интизом, рақибга нисбатан ҳурмат, ҳаққонийлик, зийраклик, чаққонлик каби хислатларни тарбиялайди, — дейди Зумрад.

Шаҳар ва республика миқёсидаги спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб келаятган Зумраднинг ҳаётида 2003 йили унутилмас воқеа юз берди. У Хитойнинг Пекин шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи Осиё чемпионатида иштирок этди. Кейинроқ Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ёшлар ўртасида биринчи жаҳон чемпионатида қатнашди. Халқаро миқёсдаги бу мусобақалар Зумраднинг ўз устида янада пухта ишлашга, мураккаб машғулотлар усулларини ўзлаштиришга қўрқинди.

Натижада Зумрад 2007 йилда каратэ бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида, сўнгра Тошкент кубогига қўлиб-

ликни қўлга киритди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор спорт марказлари ҳамкорлигида ўтказилган «Машриқзамин маликалари — 2007» республика кўрик-танловида «Энг назокатли спортчи» номинациясида қўлиб чиқди. Мактабни тамомлаб, академик лицейга ўқишга кирганида ҳам спорт билан шугулланишни давом эттирди.

— 2007 йил мен учун ҳам қувончли, ҳам ўта масъулиятли йил бўлди, — дейди З.Тазетдинова. — Юртимиздаги бир қатор чемпионат ва мусобақаларда, Японияда ўтказилган ёшлар ўртасида каратэ бўйича жаҳон чемпионатида қатнашишга муваффақ бўлдим.

Токиода бўлиб ўтган мусобақада дунёнинг ўттиздан ортиқ давлатидан келган ўсмир қизлар ўртасида яққулаш санъатининг сир-асрорларини пухта эгаллаган Зумрад биринчи ўринга лойиқ топилди. 2008 йили эса Хиндистонда бўлиб ўтган халқаро турнирда, Руминиядаги Европа очик чемпионатида, пойтахтимизда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида галабга эришди.

Ёш спортчи хитой, инглиз, рус тилларини билади. Тасвирий санъат, мусиқага қизиқади. Ҳуку ва спорт машғулотларидан бўш пайтларида пазандалик, чеварлик бўйича маҳоратини оширади.

— Президентимизнинг ёшларга бўлган меҳрини, гамхўрлигини ҳар қадамда ҳис этамиз, — дейди З.Тазетдинова.



ва. — Ўқишдаги, спортдаги муваффақиятларим ана шу эътибор ва гамхўрлик самарасидир. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланишим менга билдирилган юксак ишонч ва масъулиятдир. Бор куч-ғайратимни ана шу ишончга оқлашга, доимо ўқиб изланишга, юртим шаъни ва қадрини янада юксакларга кўтаришга сарфлайман.

Бугун Зумрад каби оидин орзулар қанотида парвоз қилаётган истеъдодли қизларни юртимизнинг ҳар бир гўшасида урватиш мумкин. Бу эса давлатимиз раҳбари томонидан навқирон авлод камолоти ва келажаги йўлида кўрсатилётган гамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

СУРАТЛАРДА: Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Зумрад Тазетдинова.

«КАМОЛОТ» СТИПЕНДИЯСИ СОҲИБЛАРИ

ЁШ АВЛОДНИ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ҲУРМАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ, ЙИГИТ-ҚИЗЛАРГА ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАЪЛИМ БЕРИШ, ИСТЕЪДОДЛИ ЎГИЛ-ҚИЗЛАРНИ ИЗЛАБ ТОПИШ ВА УЛАРГА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ НАМОЁН ЭТИШИДА ЯҚИНДАН ҚўМАКЛАШИШ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЮРИТАЁТГАН СИЁСАТИНИГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИДИНДАН. БУ БОРАДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЁТГА ТАТЕБИҚ ЭТИШДА ДАВЛАТ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ ЯХШИ САМАРА БЕРМОҚДА.

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам бу борада кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда. Мамлакатимиздаги олий ўқув юртлири талабалари ўртасида ўтказилаётган «Камолот» стипендияси учун танлов ҳам ана шундай тадбирлар сирасига кирди.

Мазкур танлов уч босқичда, яъни олий ўқув юртлири, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда республика миқёсида ташкил этилди. Танловда олти юз нафардан кўпроқ талаба иштирок этди.

Барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштираётган, жамоат ишларида, жумладан, «Камолот»нинг бошланғич ташкилотларида фаоллик кўрсатаётган, турли кўрик-танловлар, мусобақалар ҳамда илмий анжуманларда ўз салоҳиятини намоён этаётган 20 нафар талаба «Камолот» стипендияси совриндори бўлди.

Ўзбекистон Давлат консерватори-

«ОЛАМШУМУЛ УЙҒУНЛИК»

ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА ТАНИҚЛИ РАССОМ ЕЛЕНА БОНДАРЕНКОНИНГ «ОЛАМШУМУЛ УЙҒУНЛИК» НОМЛИ ШАХСИЙ КўРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Украинанинг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилган кўргазма Тошкентдаги Украина маданий марказининг ўн беш йиллигига бағишланди.

Елена Николаевна Бондаренко рангтасвир оламига кириб келганига кўп бўлмади, шундай бўлса-да унинг мўйқалам остида яратилаётган асарлари мўҳлисларда катта таассурот қолдирмоқда. Ижодкор асарларини кузатар эканмиз, унда муҳаббат ва қувончнинг саҳийлиги билан улашайтган, оламдан завқланаётган етук қалбнинг ижодий парвозига ғувоҳ бўламиз. Е.Бондаренко ижоди, бир-бирини такрорламайдиган асарлари томошабинини фикрлашга ундайди. Унинг асарлари инсонни ҳаёт ҳақиқати, бахт-саодати ва олам гўзаллигини ҳис этишга ўргатади.

Асарларда намоён бўлган узокдаги олов учқуни, жўшиб тошаётган лава, соқин оқаётган зилол сувлари рассомнинг эркин ҳамда янги ижоднинг ҳаяжонли хотиржамлигини бахш этади. Бу асарларни англаш жараёнида инсон қалби ўзининг коинотга оидлигини, оламда содир бўлаётган жараёнларга тегишли эканини ёдга олади.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА ҲАЙКАЛТАРОШ ВА ГРАФИК РАССОМ ГўЛЗОР СУЛТОНОВАНING ШАХСИЙ КўРГАЗМАСИ БўЛИБ ЎТМОҚДА. КўРГАЗМАДА АСОСАН АЁЛЛАРИМИЗНИНГ РУҲИЙ ҲОЛАТЛАРИ, ҲИС-ТҮЙҒУЛАРИ ШУНЧАЛАР ГўЗАЛ ВА ИШОНАРЛИ ҚИЛИБ ТАСВИРЛАБ БЕРИЛГАНКИ, ТОМОША ҚИЛГАННИНГиз САРИ АЁЛЛАРИНИГ ИЧКИ ДУНЁСИДАГИ СИРЛИ ВА СЕҲРЛИ ОЛАМИГА КИРИБ БОРАНДАЙ СЕЗАСИЗ ЎЗИНГИЗИ.

Рассом Гўлзор Султонова аввал коллежда, сўнгра Тошкент театр ва рассомчилик институтининг графика факультетини тахсил олди. 1990 йилдан то бугунга қадар ёш рассом самарали фаолият олиб бормоқда. Мазкур кўргазма эса ўзига хос ретроспектив вазифасини ўтайди, негаки унда намоёнига қўйилган асарлар аввалги кўргазмаларда ҳам қатнашган эди. Шулар билан бир қаторда кўргазмада графика ва ҳайкалтарошлик ишлари туркумининг янги намуналари ҳам оқиб олган.

Муаллиф асарларининг асосий мавзуси — бу инсоний муносабатлар, аёллар тақдирини, ҳис-туйғуларини талқинидир. Гўлзор ўз қаҳрамонларининг юз кўринишларини шунчаки тасвирламай, балки уларнинг руҳий ҳолати ва кайфиятини очиб беради. Ўзига хос характер ва ҳайратга солувчи лирикани кайфиятнинг ўзгарувчанлиги ҳамда қалб жўшқинлиги билан йўғрилган ҳолатда акс эттира олади. Бу ишларда рассомнинг характерли жиҳатлари, саҳифалардан фойдалана билмиш қобилияти яққол намоён бўлади.


Ижодий руҳиятнинг эркинлиги эса рассомга ўз асарларида муҳаббат, кузатувчанлик, қалб парвози каби инсонларга оид турли ҳолатларни акс эттиришга имкон беради. — Гўлзор ўз истеъдоди, кучи билан оддийгина лой ва бронза ёрдамида мусиқа яратиб олади, — дейди унинг устози Гаяна Умерова. — Шунингдек ўз асарлари орқали улғувор инсоний ҳис-туйғуларни тараннум этади. Бу мусиқийлик аёл кийёфасининг гўзал ва хотиржам пластикаси ёрдамида унинг гра-

фик ишларида намоён бўлади. Ёш рассомнинг асарлари келажақда дунё мамлакатлари саҳналарида ҳам доврўқ қозонишига умид қиламан ва ишонаман.

— Мен яратган санъат асарларини, — дейди рассом Гўлзор Султонова, — асосан инсон руҳиятидаги софлик, ички кечинмалар биринчи ўринда туради. Айниқса аёлларимиз ва қизларимизнинг нозик қалб сирларини, ноларини ва яширин гўзал туйғуларини нафосат ва нафислик билан тасвирлашга ҳаракат қиламан. Зеро, ўзим ҳам ушбу нозик хилқат вақиласи бўлганим боис, бунга янада катта аҳамият бераман. Аёл гўзаллик, лаптофат, назокат ва садоқат рамзи сифатида тасвирлаб келинган ҳамиша. Истайманки, ана шу нафис бирликлар уларнинг нафақат юзларида, балки қалбларида ҳам ҳаммиша акс этиб турсин. Асарларимда асосан эътиборни шунга қаратганман.

Дарҳақиқат, Гўлзорнинг шахсий кўргазмасини томоша қилар экансиз, аёллар оламининг сирли ва гўзал дунёсига қадам-қадамда кириб бораверасиз. Унинг гоҳ меҳрибон она, гоҳ садоқатли ёр, гоҳида эса мунис ва мушфиқ аёл, бунёдкор ва яратувчи, изланувчан ва интилуван инсон сифатида гўзал кирраларини кашф қиласиз. Тасвирлардаги ҳолатларнинг ҳар бири эса ўзига хос ижодий фикрларга бойлиги билан ажралиб туради.

Кўргазмалар
АЁЛ ҚАЛБИ
НАВОЛАРИ



Кўргазмалар

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: Гўлзор Султонованинг шахсий кўргазмасидан лавҳа.

Алексей Попов олган сурат

ЁШ АВЛОДГА ЭЪТИБОР

ТОШКЕНТДА «ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ПАРВАРИШИГА ОИД КўНИКМАЛАР» МАВЗУСИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ЎТҚАЗИЛДИ.

Мамлакатимизда воёга етаётган ёш авлодни соғлом қилиб камол топтириш, уларга ҳар томонлама гамхўрлик кўрсатиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни соғлом бола-лар билан бирга таълим-тарбия олишлари учун, қолаверса жамиятда ўз ўрнини топишга қўмаклаш-иш масаласи ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ.

Ҳар бир ота-она ўз фар-

зандини соғлом, баркамол бўлиб воёга етишини истайди. Айтиш жоизки, орамизда имконияти чекланган, ноғирон фарзандининг саломатлиги учун қайғураётган, унинг ўқис-кўнглини кўтаришга, ҳаётга бўлган ишончини мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган ота-оналар ҳам бор-ки, уларнинг ўзлари ҳам маънавий ва руҳий қўмакка муҳтож. Ана шундай ота-оналарга ҳар томонлама мадад бериш, уларни қўллаб-қувватлаш максасида Ноғирон болаларни

ижтимоий адаптация қилиш Республика маркази ҳамда Қибрай туманидаги ноғирон аёллар жамияти томонидан қатор тренингларга асосланган ўзига хос лойиҳа ишлаб чиқилган. Унга нафақат ота-оналар, балки туманларда фаолият олиб бораётган шифокорлар, таълим ва ижтимоий соҳа ходимлари, маҳалла фаоллари ҳам жалб қилинган.

Лойиҳа доирасида ташкил қилинган навбатдаги семинар-тренингда ҳам ота-оналар ва тибби-

ёт ходимлари иштирок этди. Унда айна пайтда амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилинди. Чилонзор туманида ташкил этилган ноғирон фарзандлари бор оилалар билан иш олиб борувчи махсус кўмита ва унинг самарали фаолияти хусусида ҳам атрофича маълумот берилди.

Тадбирда иштирокчилар жойларда турли ёшдаги тўйма ва ортирилган нуқсонли болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни соғлом болалар

билан муносабатини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам фикр алмашишди. Сўзга чиққан ота-оналар бу каби тренингларнинг аҳамияти, мавзуларнинг ўта долзарб эканлигига алоҳида тўхта-лишди.

Семинар-тренинг ўзаро мулоқот ва мунозара руҳида ўтди. Унда иштирок этган мутахассислар томонидан тадбирда биринчи марта қатнашаётган ота-оналарга уларни қийнаётган айрим муаммоларни

ҳал этишга доир маслаҳат ва тавсиялар берилди. Бундан ташқари, тадбирда «Боланинг ривожланишида ота-оналарнинг роли», «Болаларнинг ҳаракатли фаолигини ошириш», «Ўз-ўзига ҳизмат кўрсатиш кўникмалари» сингари мавзуларда маърузалар тингланди. Тадбирда маҳаллий шифокорлар билан бирга япониялик мутахассислар ҳам иштирок этди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Маънавият

АЛОҚА МУЗЕЙИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН «АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИ ТАРИХИ ҲАМДА МЕРОСИ» ЖАМОАТ ФОНДИ ТУЗИЛГАН ЭДИ.

Соҳанинг яқин ўтмиши ва бугунги тараққиётини тарғиб этиш мақсадида бошланган бу хайрли иш жараёнида марказий алоқа музейини ташкил этиш ҳам амалга оширилади.

Жамғарма хайратининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тармоқ музейларини, жумладан, алоҳида корхона-ларда яратиш, уларни музейбоп материаллар, нобъ то-пилмалар, суратлар, ҳужжатлар ва бошқа экспонатлар билан тўлдириб қилиш масалалари кўриб чиқилди. Ҳақиқатда Ўзбекистон алоқа тарихи музейи фаолиятини қайта ташкил этиш, унинг биносини реставрация қилиш тадбирлари ҳам кўрилди.

ОММАБОП ҚўЛЛАНМА

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙўЛЛАРИ ИНСТИТУТИ ОЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН ЯНА ҚАТОР ТўПЛАМЛАР БОСМАГА ТАЙЁРЛАНДИ.

Олий ўқув юртининг «Автомобиллар техник эксплуатацияси» кафедраси изланиши билан юзага келган дарслик эса кўп нусхада чоп этилди.

Янги нашрда автотранспорт воситаларидан фойдаланишнинг техник асослари кенг ёритилган. Автомобиллар сервис ва техник эксплуатациясини ривожлантиришга оид тавсиялар ҳам эътиборни ўзига тортади.

Ушбу дарслик бакалавр ва магистр талабаларга яхши қўлланма бўлиб хизмат қилади.

ДАСТУР ДОИРАСИДА

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИЖОДИЙ МУҲИТНИ РИВОЖЛАШТИРИШ ЎҚУВ ЙИЛИ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА КЕНГ ҚўЛАМЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Жойларда таниқли ижодкорлар (ёзувчилар, шoirлар, рассомларнинг ижодий устаноналари очилганлиги нур устига алоҳи нур бўлди. Бундан ташқари илгор иш тажрибасига эга изланувчи ўқитувчиларнинг «ЗиЕНЕТ» тармоғи ҳам киритилди.

«Олтин куз саховати», «Кумуш қиш», «Наврўзи олам», «Юртимизда ёз» деб номланган ёш рассомлар кўргазмалари намойиш қилинмоқда. «Энг яхши шеърхон» кўрик-танловида бир нечта номзод тақдим этилди.

Таълим

МУСТАҲКАМ ЎҚУВ НЕГИЗИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИДА 117 ТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТ КўРСАТМОҚДА. МАВЖУД АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА 4 ТА ТАЪЛИМ ЙўНАЛИШИ, КАСБ-ҲУНАР ҚОЛЛЕЖЛАРИДА ЭСА 8 ТА СОҲА ЙўНАЛИШИДА 180 ДАН Ортиқ ИХТИСОСЛИК БўЙИЧА КИЧИК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА.

Билим ўчоқлари энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Осиё тараққийот банки кредити ҳисобидан амалга оширилаётган дастур доирасида ҳам қатор ибратли ишлар бажарилди. Польшанинг имтиёзли кредити ҳисобидан эса икки миллион АҚШ доллари қийматидаги ўқув жиҳозлари харид қилинди. Натижада Қўйлик машинаси хизмат кўрсатиш, Яққасарой енгил саноат, Миробод саноат ҳамда Сергели политехника кол-лежларининг моддий-техника негизлари янада мустаҳкамланди.

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

БУГУНГИ КУНДА ЕР КАДАСТРИ БўЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШГА КАТТА АҲАМИЯТ БЕРИЛМОҚДА.

Бунда Тошкент геодезия ва картография коллежи педагогик жамоасининг ҳам муносиб ҳисоси бор.

Ўзининг ўқув кадастр марказига эга бўлган бу даргоҳда ўндан ортиқ мутахассислик бўйича ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Эндиликда геодезия ва картография йўналишида амалий ишлар бевосита тажриба-намуна ҳудудларида олиб борилмоқда. Тянь-Шан тоғи этагида жойлашган ўқув марказида ҳам кўплаб картография ишлари бажарилмоқда.

ИСТЕЪДОДЛАР КўРГАЗМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ТАРКИБИДА ФАОЛИЯТ КўРСАТАЁТГАН ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ ЎЗИНИНГ 75 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙНИ НИШОНЛАДИ.

Шу сана муносабати билан ёш истеъдодлар ижоди намуналари асосида катта кўргазма уюштирилди. Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида намоёниш қилинган экспонатлар томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Акбар АЛИЕВ

Алоқа

КАСБНИНГ МОҲИР УСТАЛАРИ

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ФИЛИАЛИДА ЎЗ КАСБНИНГ МОҲИР УСТАЛАРИ ҲИСОБЛАНГАН МУТАХАССИСЛАР КўПЛАБ ТОПИЛАДИ.

Ахборот-хисоблаш марказининг биринчи тоифали техникни Абдумалик Юнусов, станциялараро алоқа боғлан-маси кавшарловчиси Шукрулло Қосимовлар шулар жум-ласидандир. Филиал касба уюшма қўмитаси ҳамда маънавият тарғибот бўлими томонидан уюштирилган маҳорат кўрик-танловида юқорида номлари тилга олинган ёш мутахассислар голибликни қўлга киритдилар. Миробод телефон боғламаси электромужандиси Дилмурод Жўраев, Мирзо Улуғбек телефон боғламаси етакчи муҳандиси Бахтиёр Чориевлар ҳам ушбу беллашувда яхши натижа-ларга эришдилар.

Ғолибхон ТУРСУНОВ



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ХИКМАТЛАР
ПАХЛАВОН МАХМУД

Маъно сири давлати ўзингда, эй дил,
Орзулар ижобати ўзингда, эй дил,
Сен изла эринмай вужудинг зулматидан,
Оби ҳаёт ҳикмати ўзингда, эй дил.

Кирқ ёш кишини торттиради хушёр,
Эллик бешда қайғу-ғам айлар абгор.
Айш оби ҳаёти ичра ким сузгайдир,
Олтмиш қўлида бўлса асиру ночор.

Сен бандага қуллик қилишинг айна хато,
Ҳар қанча вафо қилсанг унга, ажри жафо.
Гар ёйдаги ўқдек юз йил тўғри яшаб,
Бир бор хато қилсанг, бутун умринг хато.

То ушбу жаҳон бизга экан маъво бу кун,
Бир лукма илинжида чопармиз куну тун.
Бу тан қафасин жон қуши тарк этганида
Маълум бўлади кимлигимиз бус-бутун.

Ҳар дарди, сенга чархдан етгусидир,
Ҳақнинг ўзи бу дардга даво этгусидир.
Қўлам беради ўрнига юз дона агар
Бир донани куз ели тўкиб кетгусидир.

Тупроқ дегани тўзиб ётар дунёда, бас,
Ҳеч кимса унинг тақдирини этмас ҳавас.
Ҳар қанча азизлар қошига кўнса-да,
Ҳеч — Гард нархи ошиб, қадр азиз бўлган эмас.

Ё Раб, қаноатни дилда гавҳар айла,
Ирфон нуридан дилим мунаввар айла.
Бечораю дилхаста бу қул ризқини ҳам,
Эл миннатисиз мудом муяссар айла.

Сабр айла мудом — беҳуда зорлик чекма,
Бечоралингдан хокисорлик чекма,
Кўп сўзлама токи шармисорлик чекма,
Дийдорни азиз айлаки, хорлик чекма.

ШАЙХ БАҲОИЙ

Ҳеч ким ола олмас молу дунё бу — илм,
Ҳаққа сени етказувчи танҳо бу — илм.
Ила пеша бу оламда фақат, илм иста,
Умрингга бағишлагувчи маъно бу — илм.

Дунё гамида агарчи кўнглинг зордир,
Бошдан-оёғи ранжу алам, озордир.
Бир арпага арзимас унинг давлатию,
Номини туттиш-да акли борга ордир.

СИНЖОНИЙ ХАВОФИЙ

Асли ҳақиқий илм китобда бўлмас,
Кўнгилдаги нарса тил — китобда бўлмас.
Юз уй китоб иш бермас, кутубхона
То бўлмаса кўнгилда, ҳисобда бўлмас.

ЗАҲИР ФОРЪЕБИЙ

Афсуски, ёшлик айёми ўтди,
Боқий айш асоси мангуга тарк этди.
Сув бўйида мен ташна ётиб, ёнимдан
Мавж уриб оби ҳаёт оқиб-да кетди...
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Спорт янгиликлари

СУЗУВЧИЛАР БАҲСИ

ПОЙТАХТИМИЗДА СУЗИШ БЎЙИЧА ДАВОМ ЭТАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ҚИШКИ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭНГ МОХИР СПОРТЧИЛАРИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА ҚОЗОҒИСТОНДАН КЕЛГАН СУЗУВЧИЛАР ҲАМ ГОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШМОҚДА.

Мусобақада иқтидорли ёш спортчиларимиз — пойтахтлик Юлдаз Қўчқорова ҳамда андижонлик Раъно Омонова қайд этаётган натижалари муҳлису мутахассисларга манзур бўлмоқда. Ю.Қўчқорова 100 ва 200 метр масофага чалқанча усулда сузиш беллашувларида маррага биринчи етиб келди. Р.Омонова эса эркин усулда 200 ва 400 метрга ўтказилган беллашувларда тенгсиз эканини исботлади.

Яна бир иқтидорли сузувчимиз Екатерина Нардишева (Тошкент) юз метр масофага брасс усулида сузиш бўйича барча рақибларини ортда қолдириб, чемпионат олтин медали билан тақдирланди.

ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИДАГИ МУСОБАҚА

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИНГ БАЙДАРКА ВА КАНОЗДА ЭШКАК ЭШИШ ТУРИ БЎЙИЧА ҚИТЪАНИНГ ЭНГ ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРИДАН ҲИСОбЛАНДИ. СПОРТЧИЛАРИМИЗ ЭШКАК ЭШИШ БЎЙИЧА ЖАҲОН ВА ҚИТЪА ЧЕМПИОНАТЛАРИДА, ОСИЁ ВА ОЛИМПИАДА ҲАМ ИЛГИРИ ҚИЛИБ КЕЛМОҚДАЛАР. ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИДА ЎТКАЗИЛГАН БАЙДАРКА ВА КАНОЗДА ЭШКАК ЭШИШ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ МАМЛАКАТ ҚИШКИ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ ҲАМ ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖОРИЙ МАВСУМГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРГАНИНИ ИСБОТЛАДИ.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистондан келган жами юз нафардан зиёд спортчи иштирок этган чемпионатда ҳамюртларимиз маҳорат ва тажриба бобида рақибларидан анча устунлигини яна бир қарра исботлади. Байдаркада 1000 метр масофага ўтказилган беллашувларда тажрибали ҳамюртимиз Сергей Борзов маррага биринчи бўлиб етиб келди. Кейинги ўринлар Владимир Осокин ва Андрей Бекутга насиб қилди.

Хотин-қизлар баҳсида Виктория Петришина бир километрлик масофани биринчи бўлиб босиб ўтди. Кумуш медалга Юлия Борзова сазовор бўлди. Қозоғистонлик Наталья Сергеева кучли ўликдан жой олди.

500 метр масофага ўтказилган беллашувларда юртимиз спортчилари ўзини кўрсатди. Рақибларини ортда қолдирган Алексей Питяков, Алексей Бобононов ва Вячеслав Горн совинли ўринларни эгаллади. Юлия Борзова аёллар мусобақасида олтин медални қўлга киритди. Кейинги ўринни эгаллаган Наталья Сергеева Қозоғистон жамоаси ҳисобига кумуш медал келтирди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Екатерина Шубина шохсуланинг учинчи погонасига кўтарилди.

Чемпионатнинг энг қизиқарли беллашувлари беш километрга ўтказилган пойгада кузатилди. Унда барча медаллар мохир байдаркачиларимиз — Вячеслав Горн, Алексей Бобононов ва Александр Тропин, Юлия Борзова, Виктория Петришина ҳамда Мария Михедага насиб қилди.

Канозда эшкак эшиш бўйича Пекин Олимпиадасида тўртинчи ўринни эгаллаган Вадим Меньковга тенг келадигани топилмади. Осийнинг айна лайдига энг кучли канозчиси 500, 1000 ва 5000 метрга ўтказилган пойгаларда маррага биринчи етиб келди.

Яна бир мохир спортчимиз Герасим Кочнев уч марта шохсуланинг иккинчи погонасига кўтарилди. Ҳамюртимиз Серик

Мирбеков 500 ва 5000 метрга ўтказилган баҳсларда бир жупт бронза медал билан тақдирланган бўлса, Қозоғистондан келган Руслан Муратов бир километр масофани учинчи бўлиб босиб ўтди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ ГАЛАБАСИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИА ЗАҲИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИ СПОРТ МАЖМУИДА ЎН ТЎҚҚИЗ ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎСМИРЛАР ВА ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ЎЗБЕКИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН ВА ТОЖИКИСТОНДАН КЕЛГАН ЮЗ НАФАРДАН ЗИЁД СПОРТЧИ ГОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШДИ.

Умумжамоа ҳисобига кўра, беллашувларда жами 195 очко тўплаган Ўзбекистон енгил атлетикачилари биринчи ўринга сазовор бўлди. Ҳамюртларимиз иккинчи ўринни эгаллаган қозоғистонлик рақибларидан 24 очкога ўзиб кетди. Кучли ўликдан жой олган тожикистонликлар ўттиз тўрт очко жамғарган бўлса, Қирғизистон енгил атлетикачилари мусобақани йигирма етти очко билан яқунлашди.

Халқаро турнирда жамоамизнинг голиб чиқишига енгил атлетиканинг турли йўналишлари бўйича олтин медални қўлга киритган спортчилар — Х.Эргашев, Д.Семёнов, В.Лешин, И.Дорошенко, М.Ҳайдаров, И.Абдуллаев, В.Манолис, С.Дементьев, З.Тоирова, М.Хмелевская, М.Олимжонова, О.Блудова, О.Зябкина, Б.Роговская, А.Дусанова, Т.Тикаева муносиб ҳисса қўшди.

Боҳир БЕК

МУҲИМ УЧ ОЧКО

ТОШКЕНТДАГИ «ЖАР» СТАДИОНИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИНИНГ «БУНЁДКОР» ВА САУДИЯ АРАБИСТОНИНИНГ «АЛ-ИТТИФОҚ» ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ГУРУҲ БАҲСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган йилги Ўзбекистон чемпионатида чемпионлиқни қўлга киритган, Осий чемпионлар лигаси баҳсларида ҳам илк марта иштирок этганига қарамай анча муваффақият қозongan «Бунёдкор» жамоаси хоризмлик ва маҳаллий мутахассислар фикрича жорий йилги Осий чемпионлар лигасида ҳам голибликка даъвогарлардан ҳисобланяпти. Шу боис ҳам «Ал-Иттифоқ» билан кечадиган беллашувга минглаб муҳлислар ташриф буюришди. Қувонарлиси, ишқибозлар футбол юлдузи Ривалдо ва бошқа маҳоратли чарм тўп усталарининг чиройли ўйинларининг гувоҳи бўлишди.

Дарҳақиқат, майдонга фақат галаба қозониш иштиёқида тушган майдон эгалари тўлиқ устунликка эришиши ва меҳмонлар дарвозаси томон хавфли ҳужумлар уюштиришга бошлашди. Бу 28-дақиқада ўз самарасини берди. Тўптарар ҳужумчи Анваржон Солиев жамоадoshiлари бошлаб берган ҳужумни қўйилмакком тарзда ниҳоятга етказди — 1:0. Иккинчи бўлимнинг 5-дақиқасига келиб яна Анваржон Солиев ўзбекистонлик муҳлисларга қувонч улаштириб рақиб дарвозасини иккинчи бор аниқ нишонга олди. Бирок, тошкентликлар ҳимоясидаги хатоликлар сабаб меҳмонлар футболчиси Ал-Босари ҳам «Бунёдкор» дарвозабонини бир марта ранжитишга муваффақ бўлди. Ва учрашув 2:1 ҳисобида мамлакатимиз чемпионининг муҳим галабаси билан яқунлашди.

Энди Осий чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг навбатдаги 2-тур беллашувлари 17,18-март кунлари бўлиб ўтади.

(Ўз муҳбиримиз)



Қандай қилсам чиройли бўлар экан?

«01»

НОСОЗЛИКЛАРГА ВАҚТИДА АҲАМИЯТ БЕРАЙЛИК

ҲАР БИР КЎНГИЛСИЗ ҲОДИСА АСЛИДА САБАБСИЗ ЮЗ БЕРМАЙДИ. БУНДА КИМНИНГДИР АЙБИ БЎЛИШИ ШУБҲАСИЗДИР. ХОНАДОНЛАРДА СОДИР БЎЛГАН ЁНГИНЛАРГА ҲАМ КИМЛАРИНИНГДИР ЛОҚАЙДЛИГИ ВА БЕПАРВОЛИГИ САБАБДИР. ФУҚАРОЛАРИНИНГ ГАЗ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН НОТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШЛАРИ ОҚИБАТИДА КЕЛИБ ЧИҚҚАН ЁНГИНЛАРДАН ҲАР КИМ ЎЗ ВАҚТИДА ХУЛОСА ЧИҚАРИБ ОЛМАЁТГАНЛИГИ ЭСА ЯНАДА ТААЖЖУБИ ҲОЛДИР.

Газ ва электр тармоқларидаги носозликка ўз вақтида аҳамият бермаслик оқибатида ёнгин келиб чиқишини фуқаролар ёддан чиқармасликлари, улар ўз хонадонларидаги электр симлар, газ қувурлари ёки плиталардаги техник талабга жавоб бермайдиган ҳолатни кечиктирмай тузатириб олишлари керак. Шу вақтгача содир бўлган ёнгинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларига тўғри келганлиги туфайли ҳам маҳаллаларда тарғибот ишларини кучайтириш, ёнгинларга сабабчи бўладиган барча омилларнинг олдини олишга кенг жамоатчиликни жалб этиш муҳимдир. Билинган, ёнгин кунда бўлмаса-да, кунда содир бўлиб турган экан, унинг омилларини бартараф этишда фуқароларнинг фаоллигини ошириш катта аҳамият касб этади. Бизнинг ниятимиз эса ҳеч қачон ёнгин билан боғлиқ кўнгилисизликлар учрамасин. Ҳар бир ёқилган чирок ва газ яхшилиқка, фуқароларимизнинг эҳтиёжлари учун хизмат қилаверсин.

Аскар КЕНЖАҚУЛОВ,

Мирзо Улугбек тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Аудиторлик фирмалари ва ташкилотларини жамиятнинг 2009 йилдаги молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш учун ҳамкорликда ишлашга таклиф этади.

Аудиторлик ташкилотларига қўйиладиган талаблар:

—Аудиторлик фаолиятини юритиш ҳуқуқини берувчи лицензияси мавжуд бўлиши;

—Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сонли қарори билан тасдиқланган «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида»ги Низом талабларига мувофиқлиги;

—Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулк қўмитаси томонидан тасдиқланган аудиторлик ташкилотлари рўйхатида мавжуд бўлиши;

—Йирик ташкилот ва корхоналар билан ишлаш тажрибасига эга бўлишлари талаб этилади.

Шунингдек, аудиторлик сертификатига эга бўлган шахсларни жамиятнинг ички аудиторлик хизматида доимий ишлаш учун таклиф этамиз.

Аудиторларга қўйиладиган талаблар:
—1с-Бухгалтерия дастурида ва Excel, MS Word дастурларида ишлаш кўникмасига эга бўлиши;

—Солиқ ва бухгалтерияга оид қонунчиликдан хабардор бўлиши;

—Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турган бўлишлари талаб этилади.
Талабгор юридик ва жисмоний шахслар Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Уразбоев кўчаси, 1а-уй манзилига мурожаат қилишлари мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:
227-90-23, 228-80-25.
Факс: 228-80-26

ТОШКЕНТ ШАҲАР КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1. «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК маълум қиладики, ёнилғи-энергетика манбалари ва бошқа ашёларнинг нархлари ошиб кетгани боис 2009 йил 1 апрелдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергияси тарифи ҚҚСсиз 16 900,0 сўм/Гкал миқдоридан ва ҚҚС билан 20 280 сўм/Гкал миқдоридан белгиланди.

Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига!

2. «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК Тошкент шаҳри аҳолиси эътиборига шуни маълум қиладики 2009 йил 1 апрелдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тариф(нарх)лар белгиланади:

- марказий иситиш — 300,20 сўм/м²/ой (турар жой майдони);**
- иссиқ сув таъминоти:**
- **ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда — 3135,30 сўм/киши/ой**
- **умумий чўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун — 2 332,08 сўм/киши/ой;**
- **ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда, 1м³ иссиқ сув истеъмоли учун — 963,30 сўм.**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс (3712) 233-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-206

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65, факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4694 нусxada босилади.
Қозғ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақлалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Топширилган вақти: 15.45